

# ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ДОЛЗАРБ МУАММО СИФАТИДА

**Ирматова Шахнозахон Бахтияровна**

*Алфраганус университети, педагогика факултети магистранти:*

**Абдуллаева Дилбар Убайдуллаевна**

*Илмий раҳбар: DSc dots*

**Аннотация:** Ҳар бир инсон боласи дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб конунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигича ўргатилади, зарур бўлса, махсус ўқитилади. Ҳозирги кунда инсон умрининг асосий қисмини қамраб оладиган оилавий ҳаётга, яъни ўзига яраша мураккаб оилавий ҳаёт жараёнига тайёрлаш давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар қаторидан ўрин олди

**Калит сўзлар:** ёшларни оилавий ҳаёт, долзарб муаммо, оила

## **Кириш**

Ҳар бир инсон боласи дунёга келар экан, у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб конунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигича ўргатилади, зарур бўлса, махсус ўқитилади. Ҳозирги кунда инсон умрининг асосий қисмини қамраб оладиган оилавий ҳаётга, яъни ўзига яраша мураккаб оилавий ҳаёт жараёнига тайёрлаш давлат аҳамиятига молик бўлган масалалар қаторидан ўрин олди. Қўлланманинг илк саҳифаларида таъкидланганидек, республикамызда оила манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган “Оила” илмий-амалий марказининг ташкил этилиши, махсус давлат дастурларининг қабул қилиниши, вилоятларда оилага хизмат қилувчи турли ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик масалалар бўйича маслаҳат марказларининг ташкил этилиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси оилани қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Шулар ичида **ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш замонамиз оилаларида соғлом ижтимоий-маънавий муҳит яратилишини таъминлашнинг муҳим чораси саналади.**

Бу ўринда ҳақли равишда “Нега энди ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва бу масалада махсус чоралар зарур бўлиб колди? Ахир ота-боболаримиз бундай курсларни ўқимай ҳам тинч-тотув, аҳил, иноқ, бахтли ҳаёт кечиришганку? Қандай зарурат ҳозирги вақтда ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва бу йўналишда ҳам давлат таълим муассасаларида, ҳам жамоат ташкилотлари томонидан турли маърифий дастурларини амалга оширишни тақозо қилади.

Маълумки, инсоният жамияти тараққий этиб боргани сари инсонлар ҳам уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахсий муносабатлар орасида энг самимий энг яқин бўлган оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради.

Бунинг сабаби, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари воситалари тараққиёти, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши, умуман халқ хўжалигининг барча



жабҳаларида, янгича технология, техник жараёнларнинг жорий этилиши бевосита шу жараёнларни **яратувчиси**, иштирокчиси булган **инсон омилига, инсон шахсига** ҳам ўзига хос таъсир қилмоқда ва янги талаблар қўймоқда. Ишлаб чиқариш муносабатлари жамият тараққиёти бир томондан, одамларнинг ўзларида рўй бераётган ижтимоий-психологик, физиологик ва бошқа ўзгаришлар уларнинг ўзаро мулоқот муносабатлари доирасини маълум даражада чегараланиб қолишига, ўтмишдошларимизда кузатиладиган табиийликни маълум даражада бузилишига ва оқибатда инсон руҳиятига мумкин қадар эмоционал зўриқишларни юзага келишига асос бўлмоқда. Буларнинг таъсири оилавий ҳаёт ва ундаги психологик иқлимда ҳам, албатта, ўз ифодасини топиб келмоқда.

Махсус адабиётларда ёзилиши ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларида кузатилишича, сўнги юз йил ичида инсонларда кузатиладиган ўсиш ва ривожланиш жараёнининг тезлашиши (акселерация)га кўра ёшларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши икки-уч йилга илгарилаб кетган. Масалан, бундан юз йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15-16 ёшга тўғри келган, ҳозир эса бу ҳолат 12-13 ёшларга тўғри келади. Илгари ёшларни 13-14 ёшдан шогирдликка беришган, ўша давридаги ишлаб чиқариш муносабатларини эгаллаш ва технологик жараёнларини бошқариш учун улардан махсус ёки олий маълумот талаб этилмаган, 3-4 йил устоз қўрган шогирд 16-17 ёшида ўзи мустақил иш юрита олган. Ўз ишини амаллаб кета оладиган мутахассисга айланган. Мабодо ўша вақтда оила қурадигандек бўлса, ўз хунари орқали меҳнат қилиб, ўзини ва оила аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таминлай олиши мумкин бўлган.

Бугунги кун ёшларида эса қуйидагиларни кузатиш мумкин: 12-13 ёшли ўсмирлар жинсий (физиологик) етукликка эришадилар, бироқ бугунги кун талабларига мувофиқ, бирон иш ёки ҳунар эгаси бўлиши учун 9 йил мактабда, 3 йил коллеж ёки лицейда ўқиши зарур бўлади. 12 йиллик барча учун мажбурий таълимдан сўнг ёшларнинг маълум бир қисми ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиради. Кўриниб турибдики, ёшларнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари 20-21, 23-25 ёшга тўғри келади. Бундан ташқари, инсонларнинг турмуш тарзи ривожланиши билан бирга оилаларнинг кундалик ҳаёти ўзгариб, кийинишга, маиший буюмларга, моддий фаровонлик даражасига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради.

Жамият тараққиётининг бугунги ҳолати ҳозирги замон оиласи олдига ўзига хос янги ижтимоий функцияларни ҳам юклайдики, буларнинг барчаси ёшларни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш масаласини энг долзарб масалалардан бири бўлишини тақозо этмоқда.

### **Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш дастурлари**

Ҳозирги вақтда жамиятимиз учун, инсоният тараққиёти ва мустақиллигимиз истиқболлари учун жиддий хавф туғдираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, экологик, ички ва ташқи омилларнинг таҳдиди ортиб бораётган айни пайтда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласи кечиктириб бўлмайдиган долзарб масаладир. Бунинг муваффақиятли амалга ошишига жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, жамоатчилик, маҳалла фаоллари, ўқувчилар, ота-оналар - ҳамма бирдек масъулдир. Бу борада маълум маърифий, ўқув дастурлари асосида ёшларга оила ҳаётига доир энг муҳим билимларни бериш ва улар асосида тегишли малакалар ва кўникмалар шакллантирилиб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари амалга оширилади. Бундай таълимий ва маърифий дастурларнинг мақсади – ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилага нисбатан тўғри муносабатни шакллантиришдан иборат.

Ўқув-маърифий дастурлар асосида қуйидаги турли шакл ва мазмундаги тадбирларни ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқ: давра суҳбатлари, семинар, тренинглар, намунали оилалар билан учрашувлар ва ҳ.к. Бундай тадбирларда, қуйидаги зарурий вазифаларнинг бажарилиши тавсия этилади:

- ёшлар билан оила ва оилавий ҳаёт тушунчаларини муҳокама қилиш;



- оилавий ҳаётнинг баъзи муаммоларини ва уларни ҳал қилиш учун жавобгарлик масалаларини кўриб чиқиш;
- оилада эр ва хотин вазифаларини муҳокама қилиш;
- оилада ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш ва келишмовчиликларнинг олдини олиш кўникмаларини мустаҳкамлаш.

Агар бундай тадбир коллеж ёки академик лицейда ўтказилганидан кейин ёшлар томонидан кўтариладиган масалаларни тезкор ҳал қилиш зарурати туғилса, албатта, ота-оналар йиғилишида мазкур масалани кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда ахлоқий билимларни ўз ичига олувчи мавзулар доирасида машғулотлар ўтказиш керак. Бу мавзулар устида ишлаш давомида қуйидаги ахлоқий фазилатларни: ўзга жинс вакилига нисбатан дўстона муносабатда бўлиш, ота-онасига, каттага ҳурмат, кичикка иззат, болалар тарбиясига эҳтиёж, масъулиятлилик, ишонч, ҳалоллик, ўзини тутиш, мулойимлик, ён босиш, умр йўлдошига, болаларга нисбатан бурчни ҳис этиш, интим ҳиссиёт маданияти кабиларнинг қамраб олиниши мақсадга мувофиқ. Машғулотлар “Ораста қизлар” даврасида ёки тарбиявий соатлар доирасида ўтказилиши мумкин.

Бундан ташқари, ёшларни оилага тайёрлаш дастурларига никоҳ ва оилага оид қонунчилик масалалари, оила ҳуқуқининг аҳамиятга молик йўриқномаларини, келин-куёвларнинг бир-бирига, болаларига ва жамиятга нисбатан мажбуриятлари ҳақида ҳуқуқий ахборотни киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқув-маърифий дастурларда қуйидаги мавзулар кўлами келтирилган:

- шахслараро муносабатларнинг руҳий жиҳатлари, никоҳ ва оилавий ҳаётнинг ижтимоий, маънавий асослари, бошқаларнинг руҳиятини тушуна билиш, турмуш ва оила ҳаётида зарур бўлувчи туйғуларнинг ривожланиши ва мулоқот кўникмалари;
- маиший маданият, уй хўжалигини юритиш;
- болалар тарбиясида оиланинг роли, оилавий тарбиянинг хусусиятлари, ота-онанинг тарбияга нисбатан ёндашувлари.
- жинсий ҳаёт, шахсий гигиена ва бошқалар.

Ёшларни оилага тайёрлаш бўйича тадбирларга турли соҳа мутахассисларини жалб қилиш, тадбирларнинг ёшларга мос шаклларда – давра суҳбати, викторина ва мунозаралар, сахна кўринишлари ва уларнинг муҳокамалари шаклида ўтказилиши тавсия этилади.

Оила деб аталмиш ижтимоий маскан асосчилари – эр ва хотин. Уларнинг вазифаси бардавом бўлган ҳаёт эстафетасини авлодларга узатишдан иборат. Буни амалга ошириш учун эса улар ўртасида мутаносиб муносабатлар шаклланган бўлиши лозим.

Ёш оилаларда дастлабки муаммолар ёшларнинг ҳар иккаласида оилавий ҳаётдан кутилган умидлари, орзулари рўёбга чиқмаганлигидан бошланади. Турмуш уларнинг тўйдан аввалги тасаввурларига кўп ҳолларда мувофиқ келмайди ва ёш эр-хотин умидсизлик, иложсизлик, чорасизлик ҳолатини бошларидан кечирадилар. Шунинг учун ёшлар бир-бирларининг тасаввурларини муҳокама қилишлари, орзу-умидлари билан қизиқишлари керак. Бундан ташқари, оилавий ҳаётга тайёрлашда умидларнинг ҳар доим ҳам рўёбга чиқавермаслиги, ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни, синовларни яхши қабул қилиш ва мардонавор енгиб ўтиш лозимлиги ҳақида ҳам суҳбатлашиш, бир-бирига маънавий-руҳий мадад бериш ҳам мақсадга мувофиқ. Турмушга чиқаётган қизга оиладаги табиий жараёнлар (ҳомиладорлик, фарзанднинг туғилиши кабилар) муқаррардир, уларни хотиржам қабул қилиш кўникмасини шакллантириш мақсадга мувофиқ.



Ёшлар оила бахтининг куйида келтирилган муҳим шартлари ҳақида турмуш қуришдан олдин билишлари керак:

- Оиланинг барча аъзолари - оила ва унинг фаровонлиги, мустаҳкамлигини устувор аҳамиятга эга деб билиши.
- Оиланинг барча аъзолари бир-бирига самимий меҳр ва ҳурмат асосида муносабатда бўлиши.
- Оилавий мулоқотда ижобийлик тамойилига амал қилиниши.
- Оила муаммоларини ҳамкорликда ечиш, оилавий муносабатларда ҳамжихатликка риоя этиш.

### **Хулоса ўрнида**

Оила – ижтимоий институт, оила ўз аъзоларининг бир-бирларига муҳаббати, ҳурмати ва ҳамкорлигига асосланган муносабатлар тизимидир.

Ҳар қандай жамият тараққиётида оилаларнинг, оилалар мустаҳкамлигининг ўрни бекиёсдир чунки тирик организмнинг саломатлиги уни ташкил этувчи ҳар бир ҳужайраларининг соғломлигига боғлиқ бўлгани каби, бутун организм ўз фаолиятини мақсадга мувофиқ амалга ошириши учун ҳар бир ҳужайранинг муносиб ўрни бўлганидек, ОИЛА ҳам ЖАМИЯТ деб аталган бутун бир организмни ташкил этувчи ҳужайрадир.

Ҳар бир оиланинг соғлом бўлиши уларда ижобий психологик иқлимнинг ҳукм суриши, мана шу муҳитда дунёга келиб шахс сифатида шаклланиб, сўнг ўзи яшаётган давлатнинг фуқароси сифатида давлатининг иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёт тараққиётини таъминловчи, ҳал қилувчи омил бўлган инсон камолотида оиланинг тутган ўрни ва аҳамияти улкандир.

**Оила тўғрисида гап кетганида, кўпинча «жамиятнинг пойдевори» деган ибора қўлланилади. Бундан келиб чиқадики, барқарор, бахтли оилалар қанча кўп бўлса, жамият ҳам мустаҳкамроқ ва бахтлироқ бўлади.**

Оила соҳасидаги мутахассислар оила ривожланишининг учта асосий босқичини ажратадилар:

- **Биринчи босқич. Янги оила қурилиши – икки инсоннинг бир-бирига жисмонан, маънан ва руҳан мослашуви, рўзғор ташкил этиш, қўни-қўшнилар билан муносабатлар ўрнатиш, эски дўст-биродарлар билан муносабатлар риштасини қайтадан кўриб чиқиш, дам олиш ва ишлаш тартиблари, кадрият ва қизиқишларнинг мослашуви, қайнота-қайнонага нисбатан ҳурмат ва эҳтиромга асосланган муносабатни ўрнатиш босқичи;**
- **Иккинчи босқич. Фарзандларни тарбиялаш – фарзандлар туғилиши, рўзғор кенгайиши, моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг ортиши, янги билим ва малакаларга муҳтожлик, ота-онанинг ёрдами ва аралашуви, ота-она хулқидаги намунавий томонларни шакллантириш босқичи;**
- **Учинчи босқич. Фарзандларнинг улғайиши – тарбиявий таъсирнинг камайиши. Қарияларнинг нафақага чиқиши, неvara боқиш билан боғлиқ муаммолар, фарзандлардан умидворлик, ижтимоий фикрга берилиш. Қариялар вақт ўтказувчи жамоалар ва уларга мослашиш, фарзандлар никоҳининг ҳолати, моддий таъминланганлик, соғлиқ билан боғлиқ шикоятлар, босиб ўтилган умрни сарҳисоб қилишга дахлдор ўзига хос давр.**

Санаб ўтилган ҳар бир босқичда жуфтликнинг ҳақиқий оила бўлиб шаклланишига таъсир қилувчи ва оила сифатида ривожланишини белгилаб берувчи **муҳим шартлар ва омиллар мавжуд**. Оила аъзоларининг ҳаётига ўзига хос мазмун берувчи бундай муҳим омиллардан бири – оилада (ЭР ВА ХОТИННИНГ) **ота-оналарнинг маънавияти, билим савияси, оила тўқислиги** учун донишмандона хатти-ҳаракати ҳисобланади.

Оилада соғлом муҳитни шакллантиришда **оила аъзоларининг маданияти**, айниқса, муҳимталабдир. Оила маданияти – жамиятнинг муҳим ижтимоий институти бўлган оиланинг тўлақонли ва мукамал фаолият юритиши учун унинг аъзолари (эр ва хотин, ота-она ва фарзандлар) ўртасида **биргаликда ҳаёт кечириш ва зарур муносабатлар ўрнатиш кўникмаларининг мажмуаси**.



Оила ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ва ундаги соғлом муҳитга таъсир қилувчи яна бир нечта омилларни санаб ўтамиз, булар:

- эр-хотинлик муносабати;
- оила қадриятлари;
- қайнона ва келин муносабати;
- ота-она ва фарзандлар муносабати;
- фарзандлар ва улар ўртасидаги ўзаро муносабат;
- қариндошлик, ошна-оғайничилик муносабатлари;
- оилани бошқариш услуби.

Икки инсон оила кураётганда шахсий бахтини, манфаатларини кўзлаб иш тутати. Лекин шу билан бирга оила ҳеч қачон муайян бир кишининг шахсий иши бўлиб қолмаган, чунки у жамиятнинг бир бўлаги. Унинг ҳар бир аъзоси бахтга интилар экан, ҳар бир қадамини жамият манфаатлари билан уйғунликда қўйиш эҳтиёжи бўлмаса, уни етук, баркамол шахс сифатида шаклланади, деб айтиш қийин. Фақат шу эҳтиёж, яъни маънавий эҳтиёж оилада бошқаларга хайрихоҳлик, инсониятга меҳр уйғота олади.

Ҳар бир вужудга келаётган оила, албатта, бахтиёр оилалар қаторига киришни орзу қилади. Бахт эса – ҳаётдан, яшашдан қониқишнинг юксак даражаси.

Оиланинг бахтли ёки бахтсизлигини аниқлашга нисбатан ёрдам берадиган муайян белгилари мавжуд.

**Бахтсиз оила** белгилари қуйидагича:

- Оила аъзолари ўз-ўзини ва бир-бирини паст баҳолайдилар. Ўзларига ва келажакка ишонч даражаси паст.
- Чалқаш ва носоғлом муносабатлар илдиз отган, оила аъзолари бир-бирига руҳий босим ўтказадилар, таҳқирлаш, хўрлаш ҳолатлари мавжуд.
- Оила аъзоларининг, кўп ҳолларда, аёл ва болаларнинг шахсий ривожланишига тўсқинлик қиладиган мулоқотхукм суради. Мулоқотда фақат “қораловчи/айбловчи“ ёки “айбдор“ услубидан фойдаланилади.
- Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, дангасалик иллатлари мавжуд.
- Бундай оилаларда хурофий урф-одатларга амал қилинади<sup>1</sup>.

Бундай оилаларда кишилар ўз ҳис-туйғуларини, орзу-интилишларини ёки кундалик ҳаётида дуч келадиган муаммолари, мураккаб вазиятларини оила аъзолари билан очиқ муҳокама қилишдан қўрқадилар, чунки бундай муҳокамаларга имкон берилмайди. Муаммоларини ўртоқлашиши натижасида вужудга келадиган муносабатдан қўрқишва ўзининг, истаклари ва таклифларининг қўллаб-қувватланишига ишончсизлик мавжуд.

Инсон ўз оиласидаги яқинларига: “Сиз шундай деганингизда дилим оғрийди” дея олиши ва бунга жавобан: “Сизни хафа қилмоқчи эмасдим. Кўнглингиздагини билдирганингиз жуда яхши бўлди. Бу ҳолат такрорланмаслигига ҳаракат қиламан”, деган сўзларни айта олиши оилавий бахт барқарорлигининг муҳим омили ҳисобланади.

**Бахтли оилаларга хос белгилар:**

- Оила аъзолари ўз-ўзини тўғри баҳолайди.
- Тўғридан тўғри, очиқ, самимий мулоқот мавжуд.
- Оиладаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва эътиборга асосланади.

---

<sup>1</sup>Бу ерда “хурофий” деганда - оилада инсон шахси, айниқса, қиз бола ва аёлларнинг таълимига, ривожланишига тўсиқ бўлувчи, залолатга олиб келувчи одатлар назарда тутилган. Эрта никоҳ, қўшхотинлик, ношаърий никоҳ, “келин сепи” ҳам шулар жумласидан (тузувчилардан).



- Мулоқотда вазминлик, ижобийликтамойилларидан фойдаланилади.
- Бундай оилаларда биргаликда яшаш қоида ва меъёрлари очиқ муҳокама қилинади, ҳар қандай муҳокамада тўла эркинлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳукмрон.
- Оила аъзоларибир-бирини тинглайди. Оиладаги қарорлар ҳар бир оила аъзосининг (ёшидан қатъи назар) эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро келишув асосида қабул қилинади.
- Оилада маърифат,интизом устувор бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бахтли оилани бунёд қилиш асосан эр ва хотинга, уларнинг ўзаро муносабатларига боғлиқ.Оила бир бино бўлса, унга биттадан бўлсада ғишт кўйиб, бир бахтли оила бунёд бўлиши учун ҳисса қўшиш жами яқинларнинг ҳам вазифасидир.

Ривоятларнинг бирида “Йигит киши қачон уйланиши мумкин?” деган саволга “Хотини ва мол-мулки, давлати ҳақида бировга гапирмасликка ақли етганда”, деб жавоб берилган экан. Ота-боболаримиздан қолган бу каби ривоятларда қанчалар чуқур маънолар ўрин эгаллагани шу мисолдан ҳам кўриниб турибди.

**Оила – бу, энг аввало, тизим.**Ҳар қандай тизим сингари, у мувозанатга, осойишталикка интилади, шу мақсадда баъзи инсонлар оиладаги вазифаларнимажбурий, келишмасдан бир-бирларига юклайдилар, таъқиқлар қўядилар, эришиб бўлмайдиган орзу-умидлар боғлайдилар. Натижада айрим оила аъзоларининг эҳтиёжлари қондирилмайди ва тизимда мувозанат тенглиги издан чиқади.

**Оилада низо, жанжаллар тез-тез юзага келса ва яқин кишилар ўртасидаги муносабатлар бузилса, оила аъзолари амал қиладиган тартиб-қоидалар ва меъёрларни, шунингдек, ҳар бир кишининг оиладаги вазифаси ва мажбуриятларини тафтиш қилиш лозим.**

Кўпинча никоҳ тўғрисида қуйидаги фикрларни эшитиш мумкин: эр-хотинлик, эр ва хотин бўлиши, ёки “Эр-хотин – қўш ҳўкиз” деган маъно англанади, яъни эр ва хотин биргаликда оила араваси (рўзғор болалар, хўжалик)ни тортади.

Юқорида келтирилган мисолларда гувоҳи бўлганимиздек, айрим ҳолларда эркак ва аёлнинг оилавий роллари ҳамда вазифалари ноаниқ тасвирланади. Ҳамкорлик, меҳнат тақсимооти ва бошқа масалалари, одатда, аралаштириб юборилади.

**Хўш, оилада эрнинг вазифалари қандай?**

- У оила посбони, бу вазифа ундан ҳам жисмоний, ҳам руҳий жасорат, жасурлик, қатъийлик ва ишончлиликни талаб қилади. Бундай эркаклар тўғрисида гапирганда “У билан темир кўрғонда яшагандек ўзимни хотиржам ҳис қиламан”, дейилади.
- У оиласининг иқтисодий масалаларини ечишга қодир бўлиши, оилани моддий (молиявий) таъминлаши керак.
- Ҳаёт зарбаларини букилмасдан, енгиб ўтиши, ўта чидамли ва мураккаб вазиятларда ўзини ҳам, рафиқасини ҳам қўллаб-қувватлашга қодир бўлиши зарур.
- У узоқни кўра оладиган бўлиши, оилани ривожлантириш учун энг самарали йўлни танлай олиши лозим. У оиланинг қаерда яшаши, қандай ҳаёт кечириши, нима билан шуғулланиши каби масалалар бўйича қарор қабул қилиши, оиланинг ривожланиши ва ҳаракатланиши учун рафиқаси билан бирга шароит яратишга тайёр бўлишишарт.
- Эр – рухшунос, у рафиқаси билан турли ҳаётий вазиятлар юзасидан мулоқот ва музокаралар асосида келишиш, зарур бўлганда, маслаҳатбера олиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.
- Эр – оила бошлиғи, у оилада қабул қилинган қарорлар учун масъул.

Юқорида саналган барча вазифаларни ўзгарувчан, ўткинчи ҳис-туйғуларга берилмайдиган шахсгина бажара олади. Ҳамма нарсани таҳлил қилиш ва олдиндан кўра билиш учун киши ҳушёр, мулоҳазали, ўз фикрига эга бўлиши лозим. Оила қуришда ва унинг мустақамлигини таъминлашдаэркак кишига айнан шу хислатлар қўл келади.



Оиладаги ўзаро муносабатларнинг маънавий варухий мутаносиблигини бошқариш аёл (хотин) зиммасига юклатилган. Бу нимани англатади? Оилада, уйда қувонч ёки ғам-ғусса, хурсандчилик ёки қайғу, тушкунлик ёки кўтаринкилик, ишонч ҳукм суриши кўпроқ аёл кишига боғлиқ. Бу – унинг фаолият соҳаси. Аёл – оиланинг юраги.

Агар аёл, хотин, онанинг тавсифини битта жумла билан таърифласак, у оиланинг сезгир юраги. Шунинг учун аёл киши ўз рухий кучидан нотўғри фойдаланса, у ҳақида “асаб кушандаси” дейишади. Бу билан у ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказади. Айнан шундай асабий, таъбир билан айтганда “жағи очиқ” хотин эрини ҳам, бутун оилани ҳам пароканда қилиши мумкин.

#### **Оилада хотиннинг вазифалари:**

- Биринчи ва энг асосий вазифаси – ўз турмуш ўртоғинихурмат қилиш ва ишончга асосланган муносабат куриш.
- Иккинчи вазифаси – эрининг ҳис-туйғуларини ифода этиши учун муҳит яратиш ҳамда очиқ, самимий мулоқотқилишга тайёр бўлиш.
- Уйда қулайлик яратиш, ўзининг ва эрининг дам олиши, рухий ва жисмоний кучини тиклаши учун хонадонга кўрк ва хотиржамлик, ҳаловат бағишлаш, саранжом-сарипталиқ муҳитини яратиш.
- Турмуш ўртоғининг кайфиятини ҳис қилиш ва осойишта муносабатларни асраб-авайлаш. Эркаклар билан аёллар ўртасидаги тафовутларга қарамасдан, жинслар бир-бирига нисбатан маънавий-рухий эҳтиёж сезадилар. Одам жисмонан жинсларга ажратилган бўлса-да, руҳан яхлитликка интилади.

#### **Эр-хотин ўртасидаги маънавий-рухий уйғунлик, ахлоқий қарашлардаги яхлитлик оиладаги барқарор маънавий муҳитни яратади.**

Эркак ва аёл рухий жиҳатдан бир-бирларини тўлдиради, бир-биридан рухий ва маънавий куч-қувват олади. Оиланинг маънавий-маданий ва ижтимоий-ахлоқий қадриятларни шакллантириш институти эканлиги, **аввало, аёл ва эркак, хотин ва эр ўртасидаги маънавий-рухий уйғунлик, яхлитлик, бутунликда намоён бўлади.**

Оиладаги ўз вазифалари, бурчларини билиш эр-хотинларга муҳаббат, ўзаро тушуниш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик муносабатларини куришга имкон беради.

Юқоридагиларга асосланиб, ҳар бир йигит ва қиз оилавий ҳаётга тайёрланаётганида никоҳдан кейин у қандай ижтимоий ролларни бўйнига олади (масалан, қиз – эрига рафиқа, яқин қариндошларига – келин, фарзандлари учун эса – она) ва уларнинг вазифалари ўртасидаги фарк нимадан иборат эканлигини ўрганиши, шу вазифалар учун масъулиятни тўлиқ англаши келажакда оила барқарорлигини таъминлаши аниқ.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. 2018 йил 7 март куни ҳалқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тадбирдаги нутқи. [www.uza.uz](http://www.uza.uz). 09.03.2018 й.
2. Abdullayeva D.U. Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash sog‘lom bola dunyoga kelishining garovi. Ta'lim texnologiyalari. 2014. №2, jurnal. B. 18-24.
3. Abdullayeva D.U. Yoshlarni oilaviy hayotga tayyorlash - oila mustah-kaligini ta'minlash omili sifatida. O‘zbekiston aholisining etnopsixologik va etno-hududiy xususiyatlari: muammo va yechimlar.// Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari to‘plami. Namangan, 2022. B. 79-81

